



ГАЗИ ХИТОЙГА ЕТИБ, ТЕЗАК ЁҚҚАН ЎЗБЕГИМ

Мустақиллигимизнинг илк ойларида Ислому Каримов телевидение орқали кўрсатилган бир йиғилишда сўзга чиқиб:

- Мана, мустақил бўлиб олдик, барча бойликлар энди ўзимизники.

Ана, кўрасизлар, яқин йилларда яшашимиз «Во!» бўлади, деган эди бош бармоғини кўрсатиб.

Орадан 22 йилдан кўпроқ вақт ўтди аммо яшашимиз «Во!» бўлмади. Аксинча, юрт хароб бўлди, халқ йўқсилликка юз тутди.

Негаки, Ислому Каримов айтган ўша бойликлардан келаётган фойда оффшор зоналарда унинг ҳисоб рақамларига ўтиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Агарда ўтган асрнинг 60-70 йилларида халқ «гази Уралга етиб, тезак ёққан ўзбегим» деб ашула айтган бўлса, бугун халқ «гази Хитойга кетиб, тезак ёққан ўзбегим» ашуласини баралла айтмоқда. Чунки бугун

ўзбек гази нафақат Европага ҳаттоки Хитойга ҳам етказилди.

Халқчи? Халқ ноябр ойининг совуқ кунларида тезак-таппи ёқмоқда. У ҳам бор бўлса! Йўғида эса совуққа мослашишга мажбур. Бу ҳам етмагандай, йўқ газ учун халқдан сен газдан қарздорсан, деб мажбурий пул ундиришади.

Самарқанд туманида яшовчи бир танишимнинг айтишича, октябр ойининг охирларида газ таъминоти идораси ходимлари ёнларида участка нозири, маҳалла фаоллари билан уйма-уй юриб агар қиш фаслида ҳар бир ой учун олдиндан 152 минг сўмдан тўласаларингиз 1 ноябрдан газ узатишни йўлга қўямиз, деб пул йиғиб олишган. Бундай гаплар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлаётганини одамлар айтишмоқда.

Лекин мана ноябр ойдан ҳам бир ҳафтача ўтаяптики газдан дарак йўқ. Бу қандай бедодлик, қароқчиликнинг ўзгинаси-ку, дейди куйиниб танишим. Билишимизча, ҳамма ерда бўлгани каби, Самарқанд вилоятининг барча туманларида ҳам бўлмаган, ёқилмаган газ учун ўқитувчлар, шифокорлар ва бошқа давлат бюджетидан ҳақ оладиган ходимларнинг маошларидан, нафақахўрларнинг пенсияларидан мажбуран тўлов ундиришлар, халқнинг вой-додига қарамасдан, изчиллик билан давом этмоқда.

ЎХХнинг Самарқанд муҳбири

Малайзияда 8 ноябрь куни уч нафар Ўзбекистон фуқаролари наркотиклар савдоси учун ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Малайзия Миллий ахборот агентлиги хабар беришича, Шан-Алламу вилояти суди 54 ёшли Дилбар Назаровани, 39 ёшли Жасур Жўрақуловни ва 58 ёшли Сайёра Нурмухаммедовани осиб ўлдиришга ҳукм чиқарган.

Улар 2010 йилнинг 7 сентябрида эрталаб соат 9:30 да Куала-Лумпур аэропортининг келиш залида жами ўн килограмм метамфетаминни сотмоқчи бўлганликда айбдор деб топилдилар.



МАЛАЙЗИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЧ НАФАР ФУҚАРОСИ ОСИБ ЎЛДИРИШГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

Назаровага 4,2 килограмм, Жўрақуловга 3,6 килограмм ва Нурмухаммедовага 2,2 килограмм метамфетаминни сотишга уринишда айблов қўйилган.

Мисол учун, Назарованинг юки орасидан наркотиклар топилганида, у бу тугунчани Тошкентдаги аэропортдан Куала-Лумпурга ке-

таётганида Шоҳруҳ исми йигит Малайзияга олиб бориб беришни сўраган, дея таъкидлаган.

Айбланувчиларга қўра, улар Малайзияга DVD-плеер ҳамда компьютерлар учун бутловчи қисмлар сотиб олиш учун келган бўлиб, наркотиклар савдоси Малайзияда жуда оғир жиноят сана-

лишини билмаганлар, бироқ суд уларнинг баҳоналарини эътиборга олмаган.

Ўзбекистонликлар ҳукм устидан шикоят қилиш имкониятига эга бўлиш-бўлмалиги ҳақида маълум қилинмаган.

uzbek.ferganane.com



Россиядаги “Мигрант Меҳнаткашлар Касаба уюшмаси” нинг билдиришича, сўнгги вақтлар Москва шаҳрига бораётган Ўзбекистон фуқароларини ёппасига депортация қилиш кўлами кенгайиб бормоқда.

кўрсатаётган мустақил ҳуқуқ фаоли Абдусамат исмли йигит билан боғланди.

- Кеча Бухородан Москвага учиб келган рейс самолётини қайтариб юборишган эди.

Кейин Андижондан келган болалар ҳам ана шунақа қайтариб юборилаётгани ҳақида қариндошларига телефон қилиб айтишяпти. Бу бўлаётган воқеа, — дейди Абдусамат.

Сўхбатдошнинг айтишича, келган самолёти билан орқага қайтариб юборилаётган ўзбекистонликлар ўз ҳуқуқларини ҳимоялашни сўраб ҳеч кимга шикоят қилмаяпти экан.

- Улар мурожаат ҳам қила олмайди. Чунки шу йилнинг май ойидан жорий қилинган янги тартибга кўра, Россия ҳудудида тартибни бузганлар келгуси уч йилгача бу мамлакатга кириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Буни ҳаттоки ўша меҳнат муҳожирининг ўзи ҳам билмайди. Ватанига боради, яна қайтиб келганида

ҳақидаги маълумотлар Россия Федерал миграция хизмати ва чегарачилари томонидан тасдиқланмагани баробарида инкор ҳам қилинмади.

Россия маъмурларининг билдиришича, Россия бўйлаб жорий қилинган янги тартиб бўйича, тахминан беш юз минг меҳнат муҳожирини бу мамлакат ҳудудига қайтиб кириш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Россия ФМС масъуллари бу рақам шу йил охиригача 1 миллионни ташкил қилиши мумкинлигини башорат қилаётир.

Ҳозирда Россия ҳудудида бемалол, яъни уч йилгача ишлаш ҳуқуқи минтақа мамлакатларидан фақат Тожикистон фуқароларига берилган.

Бу борада Россия ва Тожикистон ҳукуматлари октябр ойида ўзаро келишув имзолаган.

Эслатиб ўтамиз, ФМС маълумотида кўра, Россияда яшовчи марказий осиеликлар орасида тожикистонликлар сони 1,1 млн.ни, қирғизистонликлар

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИНИ РОССИЯДАН ҚУВИШЯПТИ

Россия матбуотида 6 ноябр кунини ёйинланган хабарларга кўра, Ўзбекистоннинг Бухоро, Андижон шаҳарларидан учиб келаётган самолётлардаги меҳнат муҳожирлари Москванинг Домодедово аэропортидаёқ ёппасига депортация қилинмоқда.

Бу маълумотларни текшириш мақсадида Москвадаги меҳнат муҳожирларига ҳуқуқий ёрдам

эса Москва аэропортидан ташқарига чиқарилмайди. Яъни тартибни бузиб, уч йилгача Россиядан депорт қилинган ҳақида чегарачилардан билиб олаёпти, — дейди мустақил ҳуқуқ фаоли Абдусамат.

Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистондан Россияга бораётган меҳнат муҳожирларининг ёппасига ортга қайтарилаётгани

— 544 минг, қозоғистонликлар 553 мингга ташкил қилади.

Энг кўп сонли меҳнат муҳожирлари эса Ўзбекистондан, улар 2,3 млнга яқин, аммо Ўзбекистон ҳукуматининг Россиядаги ўзбеклар тақдири борасида олиб бораётган фаол сиёсати кузатилмайди.

ЎХХ ахборот бўлими

Санкт-Петербург шаҳрида 23 йилдан буён фаолият қилиб келган “Умид” жамиятининг фаолияти тўхтатилди.

Бу борада хабар тарқатган Фон-танка.ру ахборот агентлигининг ёзишича, Россия Адлия вазирлигининг даъвосини қувватлаган Санкт-Петербург шаҳар суди 6 ноябр кунини “Умид”нинг ёпилганига оид қарорини эълон қилган.

“Умид” жамиятининг раҳбари Алижон Ҳайдаровнинг айтишича, Ўзбек муҳожирларига ҳуқуқий,

маданий маркази раҳбари Алижон Ҳайдаров Россиядаги ўзбеклар илк ташкилоти саналган “Умид”ни қайта жонлантириш ниятида Санкт-Петербург шаҳар суди қарори устидан апелляция берганини билдирган.

“Ташкилотимизнинг ёпилиши кимнингдир буюртмаси билан қилинган.

Улар ўзбекларнинг бу ерда назоратсиз қолишларини истайдилар. Бу шаҳарда мамлакатимизнинг консуллик хизмати ёки бошқа давлат



РОССИЯНИНГ ШИМОЛИЙ ПОЙТАҲТИДА ЎЗБЕКЛАРГА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ЁПИЛДИ

моддий ва маънавий ёрдамлар берган ташкилот Россия Адлия вазирлигининг махсус уюштирилган даъвоси билан ёпилган.

61 ёшли Ўзбекистон фуқароси Ҳайдаровнинг айтишича, Санкт-Петербургдаги ўзбеклар “Умид” юртдошлар жамиятига 1995 йилда асос солган.

“Турон” юртдошлиги ва Ўзбек

ваколатхонаси фаолият қилмайди.

Саккиз мингга яқин ўзбекистонликнинг бошини бириктирган “Умид”нинг ёпилишига йўл кўймаймиз.

Бунинг учун ҳатто энг юқори инстанцияларгача борамиз”, дея билдирган А.Ҳайдаров. Унинг гапига қараганда, “Умид” жамиятига ҳар кунини ўзбекистонлик

меҳнат муҳожирларидан иборат 50-70 киши ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар олиш учун мурожаат қилади.

Алижон Ҳайдаровнинг тахминича, «Умид»нинг тўхтатилиши Россияда сўнгги вақтлар муҳожирларга қарши кайфият кескинлашиши билан боғлиқ.

ЎХХ ахборот бўлими



Инсоният пайдо бўлибдики, у бир ердан бошқа кўчиб ўтиш, гоҳида кўчманчи тарзида, баъзида эса қайсидир бир юртларда ўтроқ қолиб яшашга одатланган.

Худди шундай қадимий одатларини тарк этмаган миллатлар, ёки элатларни ҳозирда ҳам учратиш мумкин бўлганидек, ўтроқ бўлиб бир жойда яшашга одатланган халқларни ҳам кўрамиз.

Оддийгина лўлиларни олиб қарайдиган бўлсак — бу миллат азал-азалдан қуёшга сиғинган ва кўёшнинг жанубий қутбга томон силжиб бориши ортидан, кўчиб яшашни одат қилиб келган миллатдир у. Бу миллатга на иссиқ ёққан ва на совуқ.

Ҳозирда ҳам лўлиларни кўчиб юришларини ва ота-боболари удумларига содиқ эканликларини кузатамиз аммо турли мамлакатлар орасида ўрнатилган чегара постлари боис, улар кўчманчиликни ҳам қила олмай қолишган.

Биз ўзбеклар азалдан ўтроқ халқмиз, лекин аслида Кўҳна Тўрон заминига ўзбек деган миллат Сибир томонларидан кўчиб келиб ўтроқ жойлашганини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Шунингдек, қадимги, ўша дамдаги кўчманчи туркий қабилалар “ўғизлар” деб аталганлигини, катта кўчиш бўлган кезде уларнинг бир қисми Европа қитъасига томон кетишгани ва ўзларини “ҳақ ўғизлар” деб атаганликлари таърихимиздан маълум.

Ҳозирда ҳам ўша халқларнинг бугунги авлодлари Украина ва Молдавиядаги Днестр дарёси соҳилларида яшашмоқда. Уларнинг миллатлари эса эндиликда “гагауз” деб аталади.

Гагаузларнинг тилларидаги сўзлар асосан туркий сўзларни ташкил этади.

Инсоният таърихида халқлар бутунлигича кўчганлари кўплаб учрайди.

Нега? Негаки, инсоният қадимги даврида табиат олдида

“РУС МАРШИ” ВА ВАТАНГА ҚАЙТИШ

оғиз бўлгани ва гоҳида иссиқдан қочиб салқин ерларга кўчиб ўтган бўлса, баъзида совуқ иқлимларни ташлаб иссиқ ўлкаларга кўчиб ўтган. Бу қадимги даврда! Энди-чи?

Энди замонавий давримизда ҳам халқлар бўлмасда, халқларнинг маълум қисми бошқа юртларни Ватан дея ихтиёр этишмоқда ва бу сафар эса сиёсий, ҳамда ижтимоий сабаблар одамларни тарки Ватан қилишга мажбурлапти.

Ўзбекистон мустақиллигини ўзбек халқи нима орзулар билан кутиб олганди? Албатта ўзимизнинг мустақил Ватанимиз, ўлан тўшагимиз ва биз унга эгамиз каби ғоялар бутун бошли халқнинг ақлу хушини эгаллаб олди ўшанда.

Аммо куни келиб мана шу мустақил Ватандан қочиб ўзга юртларда яшашга мажбур бўлишлигимиз ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

Орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди ва инсонлар кутган буюк келажак келмади, балки аксинча, ўтмиш қолдиқлари томон қадам босилди.

Даставвал сиёсий мухолифат тарки Ватан қилишга мажбур бўлган бўлса, унинг ортидан диндорлар, журналистлар ва фуқаролик жамияти фаоллари ҳам кўчиб кета бошлашди.

Аммо ўзбек халқининг асосий кўчаманчи бўлаги деб, нон топишни мақсад қилган ёшларни тушуниш мумкин.

Уларни бугун Россияда, Қозоғистонда, Украинада, қўйинги, ер юзида неча давлат бўлса барчасида оила боқаман деб сарсон юрган ҳамватанларни кўриш мумкин бўлиб қолди.

Албатта бундай кўргулик фақат бизнинг эмас, бошқа миллатлар бошида ҳам бўлмоқда, шундай бўлсада, кўчманчиларнинг асосий қатламни биз ўзбеклар ташкил эта бошладик.

Оқибатда, дунё ҳам ўзбеклардан беэза бошлаётганга ўхшаб кетади.

Айни кунларда Россияда бошланган “Русский марш” тадбирларидан қўзланган асосий мақсад ҳам ўзбекистонлик гастербайтерларни ватанига қайтариш бўлмоқда.

30 миллионлик аҳоли нуфузига эга бўлган мамлакат Россиядаги гастербайтерлар ҳисобидан яшаётган эди. Энди нима бўлади?

Масалан, ўзбек гастербайтерларининг энг кўпи оғир шароитларда ишлаб, нон топиб юрган Россияда меҳнат муҳожирларини қувиш тадбирлари бўлиб ўтаяпти.

“Рус марши” деб аталадиган бу тадбирларда рус миллатчилари баралла овоз билан Осиёликларни ҳайдаш талабини кўймоқда. Қисқагина, мана шу марш ҳақида.

“Рус марши” — бу Россиядаги рус миллатчи ташкилотлари, ҳамда ҳаракатлари томонидан йилда бир бор уюштириладиган тадбир бўлиб, у 4 ноябрда нишонланадиган “Халқ бирлиги” куни билан бир вақтда ўтказилинади.

Биринчи рус марши 2005 йилда, Халқ бирлиги куни таъсис этилганидан бир йил ўтиб уюштирилганди.

Россия ҳукумати халқга тақдим этган “Халқ бирлиги” куни халқ томонидан бир янги ғоя сифатида қабул қилинмади, аммо ундан миллатчилар жуда уддабурронлик билан фойдаланиб қолишди.

Ўтган саккиз йил давомида “Рус марши” сиёсий бир маросим мақомига чиқди ва Россия ҳукумати билан миллатчи фаоллар орасидаги муносабатларни ўрганиш имконини берадиган бир воситага ҳам айланди.

Рус марши иштирокчилари одатда “Россия — руслар учун!”, “Кавказликлар кетинглари!”, “Миграция тўхтатилсин!” каби транспорантларни кўтариб чиқишди ва айни талабларни илгари суришди ҳам.

Бу марш иштирокчилари кавказликларни хушлашмасда, аммо Кавказни хуш кўришади.

Яъниким, Кавказ Россиянинг бир бўлаги ва бу миллатчилар унга мустақиллик бериш талабини илгари сурмаяпти.

Кавказ керак, лекин кавказликларсиз керак. Худди Адольф Гитлерга Украина украинларсиз керак бўлгани каби.

Марказий Осиёликларчи? Улар асосан гастербайтерлар — яъни бирор ҳуқуқларга ҳам эга бўлмаган қора ишчилар бўлиб, асосан руслар умуман қилмайдиган ва яқинлашмайидиган ишларни ўшалар қилишади.

Чунки мана шу ишдан минг ҳақорату маломатлар эшитиб бўлсада оладиган маошларини ватанда бир йилда ишлаб ҳам топа олишмайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

“РУС МАРШИ” ВА ВАТАНГА ҚАЙТИШ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ватанда иш йўқ, бор бўлганида ҳам маош йўқ!

Ўзбекистондаги бугунги аҳволга қарангиз, мамлакат иқтисоди бугунгича бир оиланинг молия дафтарчасига айлантирилганини пайқаш қийин эмас.

Чунончи, айна дамларда ҳам, ҳар йилгидек Ўзбекистон халқи ҳам электр қувватидан, ҳам газдан ва сувдан ҳам мосуво бўлиб яшаётган бир вақтда, Ўзбекистон ҳукумати Хитойга газ сотишни кўпайтирапти.

Бизнинг қувват ресурсларимизнинг ҳузурини эса хорижий мамлакатлар халқлари кўради, аммо ўзимиз қишнинг изғиринида дилдираб чиқамиз. Шунда ҳам ундан соғ-омон чиқа олсак. Демак, ким Ўзбекистонда яшашни истайди? Албатта ҳеч ким, айниқса қишда!

Бироқ ўзбекларни ўз ватанига қувиш тадбирларига эътибор қаратинг. Уни миллатчилар томонидан ташкиллаштирилаётган “Рус марши” намоёндалари илгари сурапти. Балки бу тадбирларни парда ортидан туриб Кремль бошқараётган бўлсачи? Масалан, Ўзбекистон ҳукуматами мамлакатни Божхона иттифоқига олиб кирмаётгани учун.

Ўки Ўзбекистон Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотидан чиқиб кетгани учун. Ҳар ҳолда аниқ бир тўхтамга келишимиз осон эмас, лекин етти миллиондан ортиқ гастербайтер Ўзбекистонга қайтиб борса Ислом Каримов уларга нима таклиф қила оларкин?

Ҳеч нарса! Ўзбекларда “оч баччағардан қоч баччағар” деган нақл бор. Бунча одам оч қолганидан сўнг Ислом Каримовни ҳукуматами билан кўшиб майдалаб ташлаши ҳам мумкинми?

Мумкин, фақат ўзида шунга кучгайрат, шижоат топа билса. Гастербайтерларни ортга қайтариш, Россия ҳукуматами учун Ислом Каримовга таъзийқ ўтказиш демакдир.

“Рус марши” тадбирларида Россия руслар учун деган чақириқ янграётганичи? Бу ҳам кишини ўйга толдиради.

Афтидан, бу марш иштирокчилари Россия Федерациясини майдалаб ташлаш ғоясини ҳам илгари сураётган Ватан хоинларига ўхшаб кетишади. Бу улкан мамлакатни майдалаш эса азал-азалдан олиб борилаётган кураш-

дир. Худди шу кураш сабаб, Совет Иттифоқи парчаланганди.

Бироқ бу кам экан, энди Россия Федерациясини ҳам турли бўлақларга бўлиш тадбири қилинапти. Қилинапти ҳам эмас, бу программа ишга тушган, аммо ҳали ҳосилини бергани йўқ.

Россияни мустақил давлат деб билиш ҳам унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Мустақил бўлса ҳам бордир, аммо у ўз суверинитетига эга эмас. Унинг моддий бойликлари, пуллари ва банк тизими мурватлари АҚШ нинг қўлида.

Совет давлатининг энг машҳур хоини Михаил Горбачев қилиб кетган иш натижасидир бу. Лекин Кремль ҳукуматами 2000 йилдан мутлоқ мустақил бўлиш сиёсатини бошлаганидан бери, у кўпгина ғарб мамлакатлари учун душман ҳам бўлиб қолди. Россияга ҳам таъзийқлар бўлмоқда ва у ҳам ўз қаддини кўтариб ўз таъсир доирасини кенгайтириб олишни истайди.

Азизлар, ўттиз миллион аҳоли нуфузига эга бўлган Ўзбекистонимиз дунёнинг мана шунақанги катта сиёсий ўйинида кичик бир мурват вазифасини ўтамоқда. У мурватни қайга қўйиш Россия ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бўлиб қолди. Ислом Абдуғаниевич ўз иттифоқчиларини кўнгли тусаган вақтда алмаштириб туриши, уни ишончсиз сиёсий шерик даражасига ҳам тушириб қўйган.

Ҳозир на АҚШ ва на Россия президентимизга нисбатан тўлиқ ишонч кўрсата олмайди. Хитой эса иттифоқчи бўла олсада, аммо муғамбирликда бизнинг ҳукмдорни чангида қолдириб юборадиганлар хилидан.

Ўзбек гастербайтерлари кўпроқ ўз ҳукмдорларининг амбицияси қурбонига айланишмоқда, “Рус марши” – бу рус миллати вакиллари нинг эмас, парда ортидаги катта сиёсатнинг оқибатидир.

Давр эса биздан ўз ватанимизга қайтишни ва уни обод, озод, гуллаб-яшнаган бир диёрга айлантиришни талаб этапти.

Албатта гастербайтерларимиз ватанга қайтишга мажбур бўлишади, аммо сиёсий ҳокимиятга таъсир эта оладиган кучга айланишадими? Ҳамма гап мана шунда!

Тўлқин Қораев
Швеция

Самарқанддан чет элларга, масалан Қозоғистон, Россия, Украинага учқичда учмоқчи бўлганларга аэрокассалардан чипталар фақат АҚШ долларларида сотилмоқда.

Мухбирингиз шундай гап-сўзларни эшитиб уларнинг нечоғли ҳақиқат эканлигини билиш мақсадида Самарқанд шаҳрининг қоқ марказида жойлашган.

УЧҚИЧГА ЧИПТА КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ, ПУЛИҢИ ДОЛЛАРДА ТўЛАЙСИЗ

Мармар бозори атрофида ёмғирдан кейинги кўзиқориндай кўпайиб кетган аэрокассалардан бирига кириб, атайин Россиянинг Москва шаҳрига учқичга чипта нарҳини сўраганимда, касса ходими унинг 370 доллардан то 600 долларгача эканлигини айтди.

Чипта нега долларда сотилмоқда, ўзимизнинг сўмга эмас, деган саволимга касса ходими

-Бизга юқоридан шундай ёзма буйруқ келган, = деди гапни қисқа қилиб.

-Агарда менда доллар бўлмаса нима қилишим керак? – деган саволимга касса ходими

-Амаки, нима бало, сиз ўзга сайёрадан тушдингизми, ташқарига чиқингда бозор атрофидаги «қора бозор»дан ҳеч нарсага ярамайдиган ўша бир қоп сўмларингизни долларга алмаштириб келинг, кейин гаплашамиз, - деди асабий ҳолатда кўполлик билан.

Бирин кетин кирганим бошқа кассаларда ҳам берган саволимга шу мазмундаги жавобни олдим.

Модомики бизнинг сўмимиз, аэрокасса ходими айтганидек, ҳеч нарсага, ҳаттоки чипта сотиб олишга ҳам ярамай қолган экан, демак. «келажги буюк» Ўзбекистон иқтисоди жар ёқасида.

УХҲнинг Самарқанддаги муҳбири



САМАРКАНДДА ТИФ

Сўнги ойлarda Самарқандда тиф хасталиги билан оғриганлар сони ортган. Бунга «Кимёгарлар шаҳарчаси» худудидаги сув қувурларининг ёрилиши ва канализация қувурларидан чиққан оқинди сув билан аралашиб кетгани сабаб бўлган.

Бундан хабарсиз бўлган мактаб болалари оқиб турган водопровод сувидан ичишган ва тиф хасталигига чалинишган.

Самарқанд шаҳар Санитария-эпидемиология марказининг номини ошкор қилишини истамаган ходимга кўра, бугун тиф хасталиги билан оғриган болалар сони тахминан мингга етган.

Бошқа мутахассисларга кўра эса бу худуддаги катта қабристон остидан ўтган сув қувурларига фосфот моддаси ҳам аралашган бўлиши ҳам мумкин.

ЎХХ ахборот бўлими

ЗЎРОВОННИНГ ФАЛСАФАСИ

*Халқ нима бўлибди
менинг олдимда
Подага менгзаган бир оломон-да.*

*Маддоҳлик қилишгач
мудом ёнимда
Ўзимнинг зўрлигим тан оламанда.*

*Ким у миллат учун қайгураётган
Наҳот қолган бўлса
яна бирор зот.
Ё озод бўлдим қамоқда ётган
Хурликни истаган
бирор ўжар зот?*

*Ё қайтиб келдим
қувгинда юрган
Эркпараст девона
ўзга ном билан?*

*Қачон бу мазлум
юрт озодлик кўрган-
Озодлик келгайдир
фақат қон билан.*

*Хали мен тирикман-айтганим
айтган
Деганим дегандир бу макон аро.
Битта мен эмаску*

*қасамдан қайтган,
Ёлгон қасамларга тўла-ку дунё!*

Ҳасан Ғойиб

МАХСУС ТОПШИРИҚ



Самарқандда жамоат транспорти ҳайдовчилари ички ишлар бўлими томонидан «алоҳида топшириқ» олишган. Бу топшириққа биноан, ҳайдовчилар транспортга чиққан йўловчилар орасида хижобли аёллар бўлса, дарҳол ИИБга хабар қилишлари лозим.

«Хозир республикамизга Эронлик аёллар турли вазифалар билан кириб келишмоқда. Уларнинг либослари таналарини эмас, балки портловчи бомбаларни яшириш учун хизмат қилмоқда», деб огоҳлантиради МХХ ходимлари ҳайдовчиларни.

Бундай топширик кўпчиликда кулгу уйғотишга сабаб бўлмоқда. Баъзилар «қамаш учун диндор эркалар қолмади, энди муслима аёлларга навбат етди», дейишмоқда.

Аммо бир тоифа инсонлар эса «хақиқатдан бундай аёллар хавфли» деган фикрдалар.

Хуллас, юқори ташкилотлардан бундай ғайриоддий топшириқларнинг берилиши аҳоли орасида саросима яратмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими



фикрича, у мамлакатдан ташқарига кочган. СТВ-биринчи нодавлат телеканали раҳбари, НАЕСМИ директори, НТТ раҳбари, «Дарқачи», ва «Сўғдиёна» нашрлари муассиси Фирдавс Фридунович жавобгарликдан кўрқдимикин?.

Бу савол ҳозирча жавобсиз қолади...», деб ёзди Shov-shuv.uz сайти муҳаррири Ҳамроев.

октябр куни Ўзбекистон МХХ Бош тергов бошқармаси «“НТТ” ва “СТV” телеканалларининг ҳамда “Дарқачи” газетасининг фаолиятларига оид кўрсатмалар олиш учун Фирдавс Абдуҳолиқов номига тергов чақириқ қоғози жўнатган.

Айни пайтда ЎХХ раҳбари Муҳаммад Солиҳ ўз твитада Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Ино-

ГУЛНОРА КАРИМОВНИНГ ЯҚИНЛАРИДАН ЯНА БИРИ ДАРАКСИЗ

Бир неча кун аввал фаолияти тўхтатилган СТВ телеканали раҳбари Фирдавс Абдуҳолиқовни Тошкентдан излаганлар тополмаётир.

Бу борада 3 ноябр куни эрталаб Shov-shuv.uz сайти муҳаррири Жасур Ҳамроев Фейсбук саҳифаси орқали эълон қилди.

«Ҳамма танишларим Фирдавс Абдуҳолиқовни излаётти. Кўпчилик

Эслатсак, аввалроқ Ўзбекистон Халқ ҳаракати веб нашри республика ҳукуматидаги манбасига таяниб, Гулнора Каримованинг шахсий матбуот котиби, унинг тузилмаларига қарашли барча медиа-лойиҳаларнинг раҳбари Фирдавс Абдуҳолиқов хибсга олиниши мумкинлиги ҳақида хабар берган эди. ЎХХ манбасининг билдиришича, 20

ятов истеъфо сўраб ариза берганини, аммо президент Ислоҳ Каримов унинг аризасига имзо қўймаётганини ёзди. «МХХ шефи Иноятов 10 кундан бери ҳар куни ишдан истеъфо бераётти, аммо Каримов унинг аризасига қўл қўймапти», деб ёзди 3 ноябр куни эрталаб ЎХХ раҳбари Муҳаммад Солиҳ.

ЎХХ ахборот бўлими

(Давоми: Боши олдинги сонда)

“Волядаги” фуқаролардан келган нарсалар фақат “қулоқлар” тарафидан сотилади. Бир дона сигарет ва бир чеким нос учун, ИИБ нинг новбатчи ходимига эртадан-кечгача ялинсангиз ҳам беришмайди. Нима эмиш: “СИЗО нинг ўз қонун-қоидалари бор...” эмиш.

Хуқуқбузарлар 24 соат давомида бир марта овқатланадилар. У ҳам бўлса, “тушлик” деб аталади. Қолган вақтларда тишингизнинг кирини сўриб, худдики ит каби панжара эшикка қараб, “қачон бу менинг, “эгам” бир бурда нон берар экан” деб кўзингизни лўқ қилиб ўтирасиз. “Обед” вақтидан олдин Сиз ўтирган камерага ИИБ нинг ходими келиб, “хуқуқбузарларнинг” сони аниқлайди. Бордию бирор кишининг номи “лишний” айтиб

ТОШКЕНТ “СИЗО” ҚАМОҚХОНАСИ

юборсангиз, ўша овқат ва нон “возвратъ” қилиниши шарт. У ерда ҳар бир овқатнинг кунлик ҳисоби бўйича 14 минг сўмни ташкил қилар экан. Шу 14 мингга яраша овқат ейишингиз мумкин.

Овқатларини эса мутлоқ одам ейдиган овқат деб бўлмайди ҳам. Фақат карам шўрва, иккинчисига эса “перловька” ва битта буханка нон. Қолган вақт Сизга “кипчайний” деб захар-зақумни олиб келишади. Чойни ичсангиз, панглаб кетган чойни ҳиди шундай анқиб турибдики, бу чойни ичган одам “оҳ-воҳ бундай “ароматний чой” экан” деб “додлаб” юборасиз....

“Хуқуқбузар”лар овоз чиқариб гапирингиз мумкин эмас. Агар овозингиз баланд чиқса, камерада ўтирган “махбус”ларнинг ҳаммаси ташқарига чиқарилади. Улар остиларида олиб ётган чирик чопонлар тортиб олинади. ИИБ нинг ходими ҳаммани бир бошдан текширади. Кимнинг ёнидан нос ва сигарет чиқса тортиб олинади. Хонада чой ичиш учун сақлаб қўйилган бакалашкалар ташқарига чиқариб отиб юборилади. Мана шундай усуллар билан Сизни маънан эзишади, ёки...

ИИБнинг ходими бир соат “яратилган шарт-шароитлар” ҳусусида гапириб, Сизни миннатдор ҳам қилишади. Тагин ҳам

кимдир қаттиқ гапирса, ёки кулса уни ташқарига олиб чиқиб савлайдилар.

“Хуқуқбузарларнинг” кўпчилига қарасангиз, Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 194 моддаси 1 ва 2 қисми билан тушганларни кўрасиз. Бу модда ИИБ нинг “қалқони” бўлиб

ҳисобланади. Бу модда бўйича, Сиз “энг кам ойлик ҳисобида” жаримага тортиласиз ва 10-15 суткага ИИБ нинг ходимига бўйсинмаганлик “айби” билан ҳибсга олинасиз. Суд ва ИИБ ининг ходимлари шу модда устидан давлатни бойитишмоқда. ИИБ нинг ходимига эса ҳар бир маҳбусни ушбу модда билан айблаш учун “асос” топилса бўлди. ИИБ нинг ходимига 100 минг сўм миқдоридан ойлик маошига қўшилган ҳолда, яна мукофот пули берилади. Суд ва ИИБ ходимлари бу моддани ўз шахсий бизнесларига айлантириб олишган.

Маҳбус” 1973 йилда туғилган Соҳиб Назаров шундай дейди. “Мен ишдан қайтиб уйга келарсам, участкам нозир, “ифлос, яна ичиб юрибсиз-ми?” дейди. “Эй, ифлос ичган бўлсам ўзимни пулимга ароқ олиб ичдим” дедимда ва “мана сенга”

деб башарсаига қаратиб тош билан урдим. У бир ўзи менга кучи етмагангидан кейин, бутун бир “гестапони” чақирди. Шундан сўнг Юнус-Обод РОВД сига олиб боришиб мени роса савлашдилар. Қўқарган жойларим ҳам бор эди. Ўша қўқарган жойларимни яъни, моматалок бўлиб кетган жойларим яхши бўлганича РОВД да мени 5 кун оч-ялонғоч ушлаб ўтиришди. Қўлларимга кишан кийдиришиб, бир хонага яъни, итлар сақлайдиган сассиқ хонага тикиб қўйишди.

Ваҳоланки, фуқаро ИИБ га тушганидан кейин узоғи билан 24 соат ёки 72 соат давомида сақлаб туришлари мумкин эмас. Ўзи “милиция тўғрисида” Ўзбекистонда қонун йўқ. Ўзлари ноқонуний равишда фаолият олиб боришмоқда. Булар яна қонунларни сурганига ўлайми. Мана Сизга “ҳақиқат”....

Бундай воқеаларни Ўзбекистонда ҳар куни кўришингиз мумкин. Биз Сизга сўзлаб бераётган воқеа ва ходисалар жонажон Ўзбекистонимизнинг биргина пойтахтида содир этилмоқда. Қолган вилоят ва туманларда ҳам қама-қамалар авж олган. Фуқароларимиз ИИБ, Суд ва прокуратура органларининг “адолатпешалигидан” тўйиб кетган. Қаерга қараманг, “яшил ит”-лар юришади.

“Додо” эса шу итлар ҳисобдан ўзининг жонини омон сақлаб келмоқда. Худо хоҳласа кўпи кетиб ози қолди, иншоллох. Бу кунлар ҳам ўтар кетар, лекин “яшил ит”лар биз билан қолади.

Уларнинг ишонган “тоғи” бир кун келиб қулайди...

Ҳоликназар Неъмат



ПАХТА МАВСУМИ 15 НОВАБРГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ

Пахта йиғим-терими яна 2013 йилнинг 15 ноябригача узайтирилди.

Аммо далада териш олиш мумкин бўлган пахтанинг ўзи йўқ.

Шароит айтиб бўлмайдиган ўта танг: Кунлик норма 40 килограмм. Бир кунда шунча пахтани териш олишни ҳақиқий ҳолат билан таққослаганда умуман мос келмайди.

Шу боисдан ҳам ёрдамчи-теримчилар маҳаллий аҳолидан ҳар бир килограмм пахтани 400 сўмдан сотиб олиб ўтказишга мажбур бўлишмоқда.

Нари борилса, кўпи билан кун бўйи 3 кгдан 5 кггача териш мумкин. Қолган қисми 28-35 килограмми ўзининг шахсий чўнтагидан тўлдирилмоқда.

Ўзи топилиши имконсиз бўлган шунча пахтани агарда кимдан-ким сотиб ололмаса, ўша кун унинг учун ишга келмаган ҳисобланади ва ҳаттоки ишдан ё ўқишдан бўшатиб юборилиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, айрим туманларга пахта теришга борган ёрдамчилар хусусий уйларда кўним топишлари учун битта жойга кунига 1000 сўмдан тўлаб туришга мажбур бўлмоқдалар.

Теримчилар яхши овқатлана олмаётганликлари ва умуман озик-овқат таъминотининг ёмонлиги сабабли ич кетиш ва қаттиқ шамоллаш ҳолатлари мавжуд.

Бироқ, касаллар учун касаллик варақасини ёзиш шифокорларга мутлақо таъқиқланган.

Кўпчилик теримчилар аччиқ ҳазил қилиб, зотан “қуллар” нормал иш шароити, дам олиш ва даволанишдан маҳрум эканлигини айтишмоқда.

www.uzbek.fm

“Бир пайтлар гуллаб-яшнаган Х. шахрида...” Адашмасам, Стендальнинг “Жерминаль”и шундай бошлар нар эди ёки...

“Ўз вақтида катта кон очилган Н.шаҳри бугунги кунда”...бу Раул Мирхайдарнинг “Яёв сайрлар” асарининг бошланиши.

Хуллас, А. шахри ҳам Мустабид Шўролар даврида гуллаб-яшнаган шаҳар эди. Рангли металлларни ишлаб чиқарувчи корхона, тилла заводи, химкомбинатлар, конлар — бари шаҳар бюджетининг соғин сиғири эди.

Бундай қарасангиз, бугун ҳам ўша “асора” сақланиб қолган.

Кўчалар озода (Буни қарангки одатга хилоф равишда коммунал хўжаликлари бир маромда ишляпти), уйларда иссиқ-совуқ сув деярли ўчмайди. (Бу гапга ҳатто Тошкентликлар ҳам ишонмаса керак).

Тўғри, гап орасида, “Ҳали дадамиз келсин, шундай яшаймизки, сизларга (болаларига) шундай нарсалар олиб бераманки...” деб кўяди.

Аммо, дада қурғур, мана олти ойдирки, болаларини ваъдалар билан боқиб келаяпти. Ана пул юборди, мана пул юборди билан кун ўтказаяпти оиласи.

Чалғиб кетдим. Хуллас, Гулчехраҳон (амамнинг қаровчиси) 2-3 жойда ишлайди, далада чопик қилади, помидор, бодринг теради, кафедра официантлик қилади. Ундан ортиб, аммамага энагалик ҳам қилади.

Ўзбек хотинларининг “жони қирқта”, десалар ишонаверинг.

Мақтаб бошланишига ҳам санокли кунлар қолган сайин болаларнинг хархашасиям кўпайиб боради.

- Ойи, бу йил ҳам ўша эски сумкада бораманми?

ўқиганман. Замон оғирлашса унинг бутун оғирлиги халқнинг гарданида бўлади. Халқ оилалардан иборат. Оиланинг тиргаги эркак. Ҳозир аёллар ҳам тиргак бўлиб қолишган. Иккита тиргак ҳам базўр кўтарди замон оғирлигини. Энди асосий тиргакни олиб ташланг.

Ҳа, балли. Ана шунақа! Бечора аёлларнинг елкасига қандай оғирлик тушаётганини сезгандирсиз. Бошига тортса оёғига, оёғига тортса бошига етмагандан кейин аёллар ҳам қувроқ бўлиб қолишади. Бўлмагани бўлдиришга ҳаракат қилишади. Инсонда бир феъл бор. Бу ёмон йўлга кирганда ўзидан ҳам афкорроқ одамларни излаб топиб,-Ана улар мендан бадтарку.

Мен уларнинг олдида покрокман,-деб ўзини овутади. Тўғрироғи, ўзини алдамоқчи бўлади. Разолатга ботиш механизми шунақа.

“ЖЕРМИНАЛ» ЁКИ ЎЗБЕК «СТЕНДАЛ»ИНИНГ КЎЗДА ЁШ ИЗТИРОБЛАРИ

Одамларнинг бир-бирларига муносабати ҳам “эскича” – яъни миллат ажратмайди, транспортда катталарга жой бўшатишади, бирор манзилни сўрасангиз, жон деб тушунтиришади.

Тўғри, бу шаҳар “хавосини ифлос” дейишади, аммо бу ҳам Шўролар давридан қолган мерос.

Шу шаҳарда қариб, касал бўлиб қолгандан кейин эри ҳайдаб юборган 65 ёшли амма яшайди. Мен вақти соати билан уни кўришга бориб тураман.

Бу сафар келганимда амма кўлтиқ таёққа суяниб қолган, уй учинчи қаватда бўлганлиги учун умуман кўчага чиқолмай қолган экан. Қаровчиси 30-35 ёшлар чамасидаги Гулчехра деган аёл мени илиққина табассум билан кутиб олди.

Мана неча кундирки, у ҳақда анча мунча нарса билиб олдим.

Эри Россияда мардикор, ўзи икки киз, бир ўғлини едириб-ичириб, тежаб-тергаб кунини ўтказиб юрган бу аёлнинг куюнчаклиги, меҳнатқашлиги, тиниб-тинчимаслиги, қолаверса оптимистлиги менга ёқди.

Тўғрида, ҳозир бола-чақа боқиш осонми?! Иш йўқ, иш бўлса ойлик маош йўқ, ойлик маош бўлса еб-ичардан ортмайди. Бундан ташқари комуннал тўловлар, кийим-кечак, болаларнинг мактаб формалари, китобдафтар, ручка-қалам...

Эру-хотин бирга ишлаб ҳам етказолмай турган шароитда бу муштипар аёл бир ўзи тортаяпти аравани.

- Ойи, менга қачон янги кўйлак олиб берасиз?

- Ойи, Шохиданинг дадаси шунақа зўр костюм олиб берипти, кўрсангиз оғзингиз очилиб қолади! ...

Бу гаплар Гулчехранинг уйида эмас, аммамининг уйида бўлаяпти.

Мен китмир одамман, “ернинг тагида илон қимирласа” биламан. Бу гаплар ўзаро бўлса ҳам, бир чеккаси менга уланаётганлигини билиб турибман. Бу гапларга индамайман. Чунки бировнинг боласини боқиш кафиллигини олмаганман, бунинг устига ўзимнинг бола-чақам бор.

- Сиз бугун бозорга чиқасизми? - бу Гулчехранинг менга аталган гапи.

- Ҳа, майда-чуйда олишимиз керак.- бу менинг Гулчехранинг саволига жавобим.

- Унда бирга чиқамизда-а?!

- Майли.

Ярим соатлардан кейин кўчага чиқдик, маршрутқа кўринмайди.

- Юринг, яёв кетамиз. Бозор унчалик узоқ эмас. Бу Гулчехранинг гапи.

- Нега, машинада борақолайлик.- Менинг Гулчехрага жавобим.

- Менга барибир, олиб бориб-келадиган сизсиз.

Мен кулимсирайман. Кулмайман, кулимсирайман. Чунки мен аёлларни биламан. Ажабки, бу муштипар ҳам “ўша” аёллардан бўлиб чиқди. Ичим зил кетар экан, иложи борича унга бу туйғуларимни билдирмасликка ҳаракат қиламан. Нега? Биринчидан, мен эркакман. Иккинчидан зиёлиман. Учунчидан мен “Жерминаль”ни

Сал олдинроққа ўтиб кетибман, узр!

Бозорда тушдик. Совун, порошок, яна аллақандай майда чуйда оларканмиз, Гулчехра иккитадан олар ва иккита халтага солиб,-Пулини алоҳида ҳисобланг, иккита рўзғорга,-Бу Гулчехранинг гапи. Иккига бўлинса ҳам ҳаммасига мен пул тўлайман, чунки Гулчехра таклиф қилган ўйин қоидасини мен қабул қилган эдим.

- Ака, менга эллик минг сўм қарз бериб туrolмайсизми?-бу Гулчехранинг,- Қани ҳақиқий эркакмисиз ёки зикнагина одаммисиз?-деган саволи эди.

- Аввалроқ айтмайсизми шу гапни, кеча анчагина харажат қилиб кўйдим-да,-бу менинг,-Мен ҳам осонликча жон берадиганлардан эмасман,-деган гапим эди.

- Мана бу сумка қанча туради,- Гулчехра сумка кўра бошлади.

Ўйин давом этар экан, мен,-Кел, кўй, шу муштипарни хурсанд қилсам қилақолай,-деган хулосага келган эдим.

Хуллас ўша куни эллик эмас ундан анча кўпга тушдим.

Гуноҳ ва савоб, адолат ва ноҳақлик, поклик ва разолат — барчаси аралашиб кетган жамият.

Бу аёлга, унинг болаларига ачинаман, кўлимдан келса уларни бу қийинчиликлардан қутқазсам. Аммо бундайлар Ўзбекистонда кўп, жуда кўп.

Мен эркакларни айбламоқчи эмасман.

(Давоми кейинги саҳифада)

“ЖЕРМИНАЛ» ЁКИ ЎЗБЕК «СТЕНДАЛ»ИНИНГ КУЗДА ЁШ ИЗТИРОБЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Улар ҳам замона зўлмининг курбонлари. Улар ҳам агар иложи бўлса бола-чакасини гулдай қилиб олиб юришарди. Аммо иш йўқ жойда нима қилсин улар, адолат йўқ жойда қандай кун кўришсин? Бола – чакасини қандай боксин?! Шунинг учун улар юртма-юрт, элма-эл кезиб кетишди. Гулчехранинг эри ҳам иложи йўқлигидан пул юборолмаётгандир ахир.

У хотинининг бу ерда бир парча совунга пул тополмай одамларнинг кирини юваётганлигини, бунинг баҳонасида болалари озода юрганини, бир коса овқат учун ишдан келиб касал аммагга қараётгани, ва бунинг эвазига норасидалари ҳам очдан ўлмаётганини, хотини бойччаларнинг суюқ қуюқ гапларига ноз-карашма билан жавоб бераётгани ва бунинг натижасида беш-олти сўмлик бўлиб болаларининг кийим – кечаги, дафтар-қаламини тўғирлаб қўяётганлигини билмайди деб ўйлайсизми? Билади, билади, Билади бу ерда унинг эркаклик ғурури топталаётганлигини. Билади унинг сеvimли ёри разолат “боғ”ига кириб юрганини. Аммо Стендальнинг “Жерминал”идаги эркаклардай чурк этмайди. Омонат қайикни чайқатгиси келмайди. Нимани ўйлайди у? Ҳаёлида вақти келиб, бугунги хўрликларнинг ўчини олишни ўйламайди, деб ўйласизми? Ҳа, у шу ҳаёллар билан яшайди ва шу ҳаёллар билан ўзини овутади.

Демак унинг шуур қатларида инқилоб яшайпти. Бу инқилоб амалга ошса бизнинг хўрлик ва зорликдан чарчаган аёлу эркакларимиз ҳам биринчи бўлиб ўзларини хўрлаган эркакларни тутиб олиб, худди Жерминальдагидай уларни хор-зор аҳволга солишадди, уларни сазойи қилишадди, туғ учига илиндиган нарса эса ўша француз инқилобида туғ учига санчилган нарса бўлади.

Мана бу воқеадан ҳам яна икки ой ўтди. Гулчехра ва унинг болалари ҳамон отасини кутади. Уларнинг ҳаёлида отаси кў-ў-ўп пул олиб келади ва улар бахтли ҳаёт бошлайдилар.

Ҳа, ниятларига Аллоҳ ёр бўлсин!

Аммо Гулчехра ҳамон далага чиқади, кечкурунлари официантқалик қилади, бўш пайтида касал кампирнинг инжикликларини кўтариб, уй йиғади, тувак тўқади, кир ювади.

Эридан эса дарак йўқ...

Эркин Садриев

САМАРҚАНДА АДВОКАТНИ НАРКОТИК СОТГАН ДЕБ ҚАМАШДИ

Самарқандда адвокатлик фаолияти билан шуғулланган Ш.Эшбековнинг наркотиклар ноқонуний савдоси билан шуғулланганлигини фош қилинди, дея билдирди Ўзбекистон Бош прокуратураси.

Айтилишича, адвокат Эшбеков ва унинг шериклари тахминан 90 грамм гашиш гиёҳванд моддасини 800 АҚШ долларига сотаётган пайтда вилоят жиноят қидирув ходимлари томонидан қўлга олинган.

Шунингдек, Эшбековнинг иш кабинетидан 236.24 грамм гашиш топилиб, мусодара қилингани ҳам маълум қилинади.

“Мазкур жиноий иш юзасидан вилоят прокуратураси ходимлари

олиб борган тергов натижалари ва суд жараёнида Эшбеков ва унинг шерикларига эълон қилинган айблов тўла ўз тасдиғини топди ва уларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди”, дейилди Ўзбекистон Бош прокуратураси маълумотида, аммо қамок муҳлати аниқ кўрсатилмаган.

Шу ўринда айтиш лозимки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳуқуқ фаоллари, журналистлар ва адвокатлар ўз фаолияти давомида айрим вилоят маъмурлари ва маҳаллий мулозимларнинг жиноий фаолиятини фош қилувчи далилларни очиқлаши ортидан уларнинг ўзлари уйдирма айбловлар курбонига айланмоқдалар.

ЎХХ ахборот бўлими

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ КОММУНА (УЛЛИБИБИ) ИСМОИЛОВА ОЛАМДАН ЎТДИ



Хива шаҳрида таваллуд топган. Катта саҳнада у 15 ёшидан эътиборан, яъни 1943 йилнинг февралидан бошлаб қўшиқ айта бошлаган.

Айнан шу йили Тошкентдан Хоразмга ҳарбий ансамбль ташриф буюрганди.

Шу сафар чоғида ансамбль раҳбарияти ёш хоразмлик истеъдодни ўз гуруҳига қабул қилганди. Шунингдек, Уллибиби Исмоилова паспорт олаётган пайтда ансамбль раҳбарияти унинг исмини Коммунага ўзгартириб расмийлаштирган.

Шунингдек ўз фаолияти давомида К. (У.) Исмоилова Хоразм вилоят театрида, М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида, Тошкент санъат коллежида, Р. Глиер номидаги РИМАЛ ва турли ансамблларда ишлаган.

Санъатдаги сабоқларини Коммуна (Уллибиби) Исмоилова К. Отаниёзов, Ю. Ражабий, Ф. Содиков, Г. Раҳимова каби устозларидан олган.

К. (У.) Исмоилованинг шогирдлари қаторида Азим Муллахонов, Дилором Қаномова, Зулайҳо Бойхонова, Мавлуда Асалхўжаева, Шарофат Тожибоева, Карима Исмоилова, Муножат Тешабоева, Холида Каримова, Нодира Раҳимова каби таниқли санъаткорлар бор.

ЎХХ ахборот бўлими

2013 йил 2 ноябрь куни, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти, “меҳнат шухрати” ордени соҳиби Коммуна (Уллибиби) Исмоилова 86 ёшида оламдан кўз юмди.

Шу кунгача Коммуна (Уллибиби) Исмоилова Тошкент санъат коллежида ва Р. Глиер номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқий академик лицейда (РИМАЛда) ўқитувчи бўлиб ишлаган.

Коммуна (Уллибиби) Исмоилова 1927 йилда Хоразм вилоятининг

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Савол: — Сен шундай деб ҳисоблайсан. Сенинг дўстларинг шундай деб ҳисоблайди. Лекин сиздайларни санаб чикса, минг киши ҳам чикмайсизлар. Миллион-миллион ўзбек эса Каримовни ўз президенти ва ҳаттоки ўз отаси деб билади...

Жавоб: — Демак, миллион-миллион ўзбек унинг амалларини тўғри деб билади. Демак, миллион-миллион ўзбек куфр ва зулмга рози.

Савол: — Сени ўлим жазосига ҳукм қилишларидан хабаринг борми?

Жавоб: — Ҳа, хабарим бор.

Савол: - Сен бу ҳукмга қандай қарайсан?

Жавоб: — Яхши.

Савол: — Яхши деганинг нима-си?

У.ҲАҚНАЗАРОВ: САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Жавоб: — Ўзи шундай бўлиши керак. Ислом бошлангандан бери куфр Иймонга қарши қатағонлар, қийноқлар ва қатллар ёрдамида курашиб келмоқда. Бу ҳам мусулмонлар учун ўзига хос бир имтиҳондир. Бундай қатағонлар пайти ким ўлимдан қўрқмай куфрга қарши курашадиган ҳақиқий мусулмон эканлиги ва ким мусулмон ниқоби остида куфр иродасини бажараётган мунофиқ эканлиги ойдинлашади.

Савол: — Сен ўлимдан қўрқмайсанми?

Жавоб: — Йўқ.

Савол: — Нега ўлимдан қўрқмайсан?

Жавоб: — Содир бўлиши муқаррар нарсадан қўрқишнинг нима кераги бор?!

Шунингдек Ҳамро Ҳалиллаевнинг вазминлиги, қатъийлиги ва жасурлигини ҳам алоҳида такидлаш керак. Суд мажлислари давомида ушбу йигит ўзини ҳайратланарли даражада сокин тутди. Унинг суддаги сўнги сўзи ўзбекистонлик мужоҳидларнинг ўзига хос исломий манифести, Каримов режимига қарши айтилган қатга сиёсий нутқ бўлди. Шундай қилиб...

Ҳамро Ҳалиллаевнинг сўнги сўзи

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Ал ҳамдулиллаҳи Роббил олабийн вас салоту вас салому ала расулиҳи ва ала олиҳи ва асҳабиҳи ажмайин.

Иймон куфрдан кечирим сўрамайди. Аксинча, куфр Иймондан кечирим сўраши керак. Мусулмон киши мусулмон бўлгани учун кофирдан кечирим сўрамайди. Аксинча, кофир иймон йўлига ўтиб, мусулмондан кечирим сўраши керак.

Мен буни шунинг учун айтаяманки, тергов давомида МХХ ва ИИБ терговчилари кечирим сўрашимни тинмай талаб қилишди.

Мана, ҳозир ҳам адвокат, прокурор ва судьялар президент Каримовдан ва ўзбек халқидан кечирим сўрашимни исташаяпти.

Уларнинг истакларига қарши ўлароқ, мен бир мусулмон сифатида Каримовдан кечирим сўрамайман. Чунки, ҳозиргина айтганимдек, Иймон куфрдан кечирим сўрамайди.

Агар мен ушбу залда ўтирган терговчи, судья ва прокурорларнинг истакларини бажариб, куфрдан кечирим сўрасам, Аллоҳ мендан норози бўлади.

Каримов хизматкорларининг хоҳишларига қарши ўлароқ, мен бир ўзбек сифатида ўзбек халқидан ке-

чирим сўрамайман. Чунки мен ўзбек халқига қарши ҳеч қандай жиноят содир қилмадим.

Шайтон ҳукуматига хизмат қилаётган прокурор ва судьяларнинг ниятларига қарши ўлароқ, мен бир хоразмлик сифатида хоразмликлардан кечирим сўрамайман.

Чунки мен хоразмлик юртдошларимга қарши ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ.

Мен 30-чи март куни Саримойда отиб ташланган кишиларнинг қариндошларидан ҳам кечирим сўрамайман.

Чунки уларнинг қариндошларини на мен ва на менинг диндош биродарларим ўлдирмадик. Гаровга олинганларнинг ҳаммасини Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига қарашли махсус отряд отиб ташлади.

Гаровга олинганларни ўлдириб ташлаш амалиётига Ички ишлар вазири Зокир Алматов шахсан раҳбарлик қилди.

Ҳурматли юртдошлар, қурбон бўлганларнинг яқинлари! Агар сиз менинг гапларимга ишонмасангиз, ўққа тутилган автобусни бориб кўришингиз мумкин.

Автобуснинг корпусида қолган тешиклардан ўқлар автобусга ташқаридан кирганини пайкаш қийин эмас. Бу ерда: “Ўқлар автобус салонидан туриб отилган, отилган ўқлар ичкаридан ташқарига тешиб чиккан”, — деяётган терговчи ва прокурорлар ёлгон гапиришмоқда.

Шу автобусни бориб, кўринлар: Каримов аскарлари узган ўқлардан автобус илма-тешик элакка айланган.

Биз ҳамма вақт автобуснинг ташқарисидан эмас, ичида бўлдик.

Бизнинг пистолетларимизда автобусда бир неча юз тешик қолдирадиган микдорда ўқ йўқ эди.

Ҳа, биз одамларни гаровга олдик. Улардан фақат битта йигитни, Тошкентдан Саримойгача автобус ҳайдовчисини, аёллар ва кексаларни ҳақоратлаб келган йигитни отиб ўлдирдик. Ҳайдовчини мусиқани баланд овозда қўйишга мажбурлаб, бу йигит ҳеч кимга уйку бермай келди. Гаровга олинганлардан бошқа ҳеч кимни ўлдирмадик.

Гаровга олинган йўловчиларни бир автобусдан иккинчисига ўтказаятганда барча болалар, аёллар ва кекса ёшдаги одамларни қўйиб юбордик. Биз ҳаттоки яхши инсондек туюлган баъзи эркакларни ҳам қўйиб юбордик. Янги автобусга биз фақат Тошкентдан Саримойгача бўлган йўлда бизга ва бошқа йўловчиларга тажовузкор муносабатда бўлганларни олдик. Ва ҳаттоки уларни ҳам ўлдирмоқчи эмасдик. Ўзбекистондан чиқиб кетиш арафасида биз уларни қўйиб юбормоқчи эдик холос.

Бу ерда эса прокурор ва терговчилар болалар, аёллар ва қарияларни отиб ташлаганимизни айтиб, ёлгон гапиришяпти. Уларга ишонманглар: барча қарияларни, аёлларни ва ёш болаларни биз “Мерседес-Бенц” автобусига ўтаётганда қўйиб юбордик. Гаровда қолган 28 кишини эса ҳукуматнинг махсус отряди отиб ташлади.

Очиғи, президент Каримов ва унинг қучишлатар тизимлари шунчалик даражада шафқатсиз, деб ўйламагандик. Улар қуролланмаган одамларни отиб ташлашди, деб ўйламагандик. Бу бизнинг хатоимиз эди. Биз одамларни гаровга олгандан кўра, постдаги ҳарбийларни отиб ташлаб, дарров Янгибозор томон юришимиз керак эди.

Каримовнинг шайтоний тузумига қарши курашда одамларни гаровга олиб бўлмайди, чунки ушбу тузум қуролсиз одамларни ҳам аяб ўтирмайди экан. Диндош ва жиходдош биродарларим кофир Каримов ҳукуматининг ушбу хусусиятини ҳисобга олишди, деган умиддаман.

Биродарларимни Каримов тузумига қарши оҳирги нафаси ва томчи қони қолгунча курашишга чакираман. Зеро, ушбу шайтоний тузумни фақат жиход, фақат ҳарбий йўл билан ағдариш мумкин.

Иймон куфрга қарши олиб борилиши керак бўлган тинч ва ҳарбий курашни ҳар қандай вазиятда тўхтатмайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Кофирларнинг қудрати ҳам, аскарлари ҳам, бойликлари ҳам, бошқа устунликлари ҳам ва ҳаттоки ўлим ҳам мусулмонни кофирга қарши курашдан чўчитмаслиги ёки тўхтамаслиги керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам биз, мусулмонларга, зулмининг ҳар қандай шаклига сабр қилишдан қайтарганлар.

Каримов ўзбек халқидан қўрқади. Чунки ушбу халқ ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда Исломи динига интилиб яшашини, ушбу халқдан

куфрдан кечирим сўрамайди. Яна қайтариб айтаман: мусулмон мусулмон бўлганлиги учун кофирдан кечирим сўрамайди. Ҳатто қатл хавфи бўлса ҳам.

Каримовнинг шайтоний ҳукуматига хизмат қилаётган терговчи, прокурор ва судьялар ўзбекларда: “Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлган яхшидир”, — деган мақол борлигидан беҳабарлар, шекилли. Шундай экан, Шайтон томонга юзланиб, куфрга тиз чўкиб яшагандан кўра, Аллоҳга содиқ қолиб, мусулмон бўлиб ўлган яхшироқдир.

У.ҲАҚНАЗАРОВ:

САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ

ҳамиша энг яхши мужоҳидлар чиққанини Каримов яхши билади. Мен бизнинг ўзбек мужоҳидлари араб, чечен, пуштун ва бошқаларни ҳарб илмига ўргатаётганларини ўз кўзим билан кўрганман. Шунини айтишим мумкинки, бошқа мамлакатлардан келган мужоҳид биродарлар ўзбекларни жуда ҳурмат қилишади.

Ҳа, бугунги кунда халқимизнинг асосий қисми аста-секин итоаткор подага айланиб бормоқда. Лекин бу ҳолат ўзбек халқининг қандайдир ирсий хусусиятлари туфайли эмас, Исломи динини ўрганишга имокният йўқлигидан содир бўлмоқда. Ушбу қўрқоқ оломонни фақат Исломи дини Аллоҳнинг жасур жангчиларига айлантира олишини Каримов билади. Шунинг учун у ва унинг хизматкорлари Ўзбекистонда асосан Исломи мавқеининг кучайишига ва ҳақиқий мусулмонларнинг кўпайишига қарши кураш олиб бормоқда.

Оддий ўзбек йигити ёки қизи Исломи қерда ўрганиши мумкин? Болалар боғчасида, мактабда, техникумда, институтда ёки телевизор орқалими? Ҳеч қерда! Биз эса ўз динимизни Афғонистонда ёки Покистонда эмас, Чеченистонда ёки Доғистонда эмас, ўз юртимиз Ўзбекистонда ўрганишни истаймиз. Биз Исломи ертўлалар ва лагерларда эмас, нормал шароитларда ўрганишни хоҳлаймиз. Биз Исломи яширинча эмас, очикча ўрганишни истаймиз.

Лекин, боя айтганимдек, бу нарсалар Ўзбекистоннинг бош кофири учун ўта ҳагарлидир. Чунки исломийлашган оммани на алдаб, на тунаб ва на топтаб бўлади.

Бу ерда менга доим бир гапни такрорлашгани такрорлашган. Эмиш-ки, мен Каримовдан кечирим сўрасам, Каримов менга шафқат қилиб, мени ўлим жазосидан қутқариб қолармиш. Яна такрорлайман: Йймон

куфрдан кечирим сўрамайди. Яна қайтариб айтаман: мусулмон мусулмон бўлганлиги учун кофирдан кечирим сўрамайди. Ҳатто қатл хавфи бўлса ҳам.

Каримовнинг шайтоний ҳукуматига хизмат қилаётган терговчи, прокурор ва судьялар ўзбекларда: “Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлган яхшидир”, — деган мақол борлигидан беҳабарлар, шекилли. Шундай экан, Шайтон томонга юзланиб, куфрга тиз чўкиб яшагандан кўра, Аллоҳга содиқ қолиб, мусулмон бўлиб ўлган яхшироқдир.

“Саримой” ЙПШда автобусни қўлга олган жангарилар то отиб ташлангунига қадар ўзларини худди шундай тутдилар. Каримов жаллодларининг энг вахший ва тубан қийноқларига қарамасдан ўзларини мардларча тутдилар. Саримой фожиасининг ҳақиқати ана шулардан иборат.

Бироқ Каримов диктатураси манфаатларига хизмат қилувчи давлат оммавий ахборот воситалари ва ҳаттоки баъзи хорижий публицистлар Саримойдаги воқеалар ҳақида очикдан-очик ёлғон ёзишди. Шундай қилиб...

Олег Ёқубовнинг ёлғони

Олег Якубов шундай ёлғон ёзганки, унинг ёлғони оддий мантиққа ҳам тўғри келмайди

Исроиллик таниқли публицист Олег Ёқубов ўзининг “Агония. Кровавый след террора” (“Жазавар. Қўпоровчиликнинг қонли изи”) китоби (2001 йилда Тошкентдаги “Шарқ” нашриётида чоп этилган) 17-чи бўлимида Саримой воқеаларини шундай тасвирлаган:

“Во время пересадки в другой автобус двум из заложников удалось сбежать. Они и рассказали, что узнали в бандитах двух местных жителей, и даже назвали их имена и фамилии. Один был жителем близлежащего кишлака, и к месту событий попросили приехать его престарелого отца. Сломленный страшным известием старик никак не хотел поверить в то, что именно его сын совершает такое зло. Поверил лишь тогда, когда сын на его призывы откликнулся. К этому времени новый автобус, куда бандиты загнали заложников, уже готов был трогаться в Дальнейший путь” (Китобнинг 17-бўлими, 107-чи саҳифаси).

Ушбу парчанингни ўзбекчага таржимаси: “Бошқа автобусга ўтаётганда гаровга олинганлардан икки нафари қочиб кетишди. Айнан улар қароқчилардан икки нафари маҳаллий фуқаролар эканини ҳамда уларнинг исм-шарифларини айтишди. Қароқчилардан биттаси яқин атрофдаги қишлоқлардан бирида истиқомат қиларди, ва воқеа жойига унинг кекса отасини таклиф қилишди. Дахшатли хабардан тушкунликка тушган қария унинг ўғли шундай қабих жиноят содир этаётганига ишонгиси келмасди. Ўғли чакириқларига жавоб бергандагина қария ҳаммасига ишонди. Бу вақтга келиб эса қароқчилар гаровга олинган одамларни янги автобусга ўтказиб, йўлга тушишга шайлана бошлашди”.

(Давоми келгуси сонда)

СОНЕТ

Мана, сизга яна бир шоир –
 Юзинчи ё мингинчи Мажнун!
 Фақат Лайли ёлғиздир доим
 Ва севгининг ўзидай – мажхул.
 Сен шоирсан. Турма ҳайқириб,
 Ол, омбордан Фарҳод тежасин.
 Тиз чўк Ширин олдида, ҳайқир.
 “Муҳаббатга қуллуқ – яшасин!”
 Шеърларингни қояга ёзгин,
 Юксак, ёзгин ва яна ёзгин.
 Темир қалам – тежани ушлаб,
 Ул қояда бургутлар ўлсин,
 Сатрларга бериб ўз кўксин,
 Ўлсин севги алдаган қушлар!
 ВАН
 Муҳаммад Солиҳ ўз шеърларини
 ҳар қандай вазнга боғлиқ қолмай,

дим мен”, “Фол”, “Дехқон қўллари”,
 “Табиат муҳофазаси ҳақида”, “Мум-
 кин”, “Тараққиёт ва мақол”, “Адаш-
 ганлар қўшиғи”, “Бадийий ёлғон”,
 “Туркистон”, “Имоннинг уйғониши”
 каби танилган шеърлари 11 бўғинли
 қолипда ёзилган.

БУ ЕРДА

Бу ерда изтироб нотаниши сўздир,
 Бирор баҳона йўқ маъюслик учун,
 Қувонч уйқу билмас бемор

бир кўздир

Демак ҳеч ким бунда

багрин тизламас,

Демак хат ёзилмас, қутилмайди
 хат,

Бирдан биров ўлиб,

биров йиғламас.

Шоир юқорида зикр этилганлар-
 дан бошқа, мисралари 7, 8, 12, 13 ва
 ҳатто 15 бўғиндан иборат шеърлар
 ҳам ёзгандир.

ТИЛ ВА УСЛУБ

Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари-
 даги услуб хусусиятларини белги-
 лайдиган нарсалар ҳақида гапириш-
 дан аввал Туркияда кўниқилмаган бу
 хил таҳлилларда таъкиб этиладиган
 методнинг ва ҳаракат нуқтасининг
 нималар эканлиги тўғрисида
 тўхталмоғимиз керак.

Услуб таҳлили айна пайтда тил-
 шуносликни ҳам, адабиётшунос-
 ликни ҳам, тадқиқотини ҳам тақазо
 қилган соҳадир. Тилшуносликнинг
 соҳаси жумла, адабиётшунослик-

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

сарбаст вазнида ёзган. Бу шеър-
 лар орасида “Ўзга элда”, “Энди
 сизга навбат”, “Сўзларни яратиб”,
 “Қиличлар уйқуга кетса”, “Зина-
 поя”, “Қафасдаги сичкон”, “Дарахт
 шоир бўлса”, “Шафоф уй”, “Даст-
 лабки қувонч”, “Ит”, “Тилчининг
 дегани”, “Гапир Туркистон”, “Бал-
 ки”, “Эртага” каби шеърлари бор.
 Шоир бу шеърларида маълум вазн ва
 мисра тартибига риоя қилмаса ҳам
 кофияга нисбатан ўз ҳассосиятини
 йўқотмайди.

Гапир, Туркистон

Роппа-роса минг йилдан буён

Рўза тўтиб оғиз очмаган ҳамон

Турк саркардаси –

Тиёношон.

Минг йил давомида у емаган нон,

Унинг насибаси –

минг йиллик увол –

Тузга тўлиб бораётган туздон –

Орол.

Саркарданинг гўзал қизи ўтлоқда

Оқ илонни босиб, деганида “Вой!”

Чиққан товуши, кумуширанг халқа –

Ой!

Ўтлоққа шитирлаб сингиб

бораётган,

Бебахт Осидан қочаётган мангу

Бу оқ илон, муқаддас илон –

Аму...

Яна “Вой” дема қиз.

Етар битта Ой.

Оғзинг очма гўзал, этма овоза.

Фақат отанга айт:

оғзини очсин –

Тугади рўза.

Муҳаммад Солиҳ шеърларининг
 тахминан 25 фойизи ҳижо вазни-
 нинг кўп қўлланиладиган 11 бўғинли
 қолипида ёзгандир. Лекин бу шеър-
 ларнинг жуда озидан туроқларга ри-
 оят қилгандир.

“Бу ерда”, “Бармоқдан сўраб
 олинган шеърлар”, “Қасам ичма-

Демак тураверар олма қизариб

Тагига тушмас у,

қурт тушмас унга

Демак тураверар мангу қизариб.

Қувонч уйқу билмас

бемор бир кўздир.

Шеърларининг 10 фойизи-
 га яқинини ҳижонинг 9 бўғинли
 қолипида битган. Бу шеърлар ораси-
 да “Севги”, “Пайт пойлаб”, “Эртага
 ҳам тузалмасам гар”, “Арғамчи”,
 “Баъзан”, “Ёвон севгиси”, “Туғулган
 кун”, “Мумкин эмас” каби шеърлар
 бор.

БАЪЗАН

Баъзан йўққа ўхшайди ўлим,

Гўё ўлмагандай ўлганлар.

Туш кўраман, тушумда йўлим

Тирик мархумларга тўларлар.

Баъзан ҳаёт эслатар тушини,

Узун тушига ҳаёт ўхшайдир -

Юз йил ухлаётган ўтмишининг

Тушларига ўхшар бу аср.

Муҳаммад Солиҳ “Ташбеҳсиз
 шеър”, “Пиёда тоғлар”, “Қаршиман”
 каби баъзи шеърларини ҳижонинг 9
 ва 11 бўғинли қолипларида ёзган.

ҚАРШИМАН

Мардни номард деган мард эмас –

Ҳадеб айланмангиз,

келинг ўртага.

Енгмоқ учун писиб

қараши шарт эмас

Рақиб қўлидаги қартага.

Мен сизга қаршиман, билсангиз.

Бунни айтиши мумкин

ҳеч иккиланмай.

Мободо, сиз боғдан келсангиз,

Менга тоғ ёқади, тоғдан келаман.

Бунни билиб қўйганингиз маъқул.

Яъни ҳайрон бўлманг

менинг ҳолимга,

Тўсатдан туфласам,

сиз топинган ул

Сохта ”пайгамбар”нинг

ол соқолига.

нинг воз кечилмас унсури эса – тил-
 дир. Тилнинг ифода қилиш имкони-
 ятларида вақтга қараб торайиш ва
 ёки кенгайиш пайдо бўлиши мумкин.

Шу боис, тилшунослик ва ада-
 бий тадқиқотларнинг муштарак
 нуқтаси – тил ва тилни қўлланиш
 шаклидир. Бунинг ёнида санъат-
 корнинг (ёзувчининг) ўз фикрини
 (ўқувчига) англатиш ғоясини ҳам
 унутмаслик керак. Санъаткор ўз
 ўқувчисини билгилантиришни иста-
 ши мумкин. Ёки уни хаяжонлан-
 тириш, севинтиришни исташи мум-
 кин.

Бундан ташқари санъаткорнинг
 руҳий ҳолатини унинг нияти ва ўз
 атрофидагиларга муносабати билан
 тилнинг ифода имконлари ораси-
 даги таржиҳи (танлови) ҳам белги-
 лайди.

Шунинг учун худудлари жуда
 кенг, шартлари ҳар хил бўлган
 бу ифода, яъни, услуб ҳаёт
 қаршисидаги позициянинг бир та-
 яссум шаклидир.

Муҳаммад Солиҳнинг шеър
 тили ва услуби таҳлил этиларкан,
 унинг жумла тасавури, тилнинг
 ифода имконларидан фойдалани-
 ши, руҳ ҳоли, нияти ва одамлар-ла
 муносабати кўз олдимизда туради
 ва бундан шундай манзара чиқади:

1. Муҳаммад Солиҳнинг шеър-
 ларида кўрилган энг муҳим хусу-
 сиятлардан бири унинг ҳаракатли
 бир услубга соҳиб эканлигидадир.

Феълларнинг турли кип (замон ва
 шахс билдирувчи майллар) ва шах-
 слар билан қўлланилиши шоир ус-
 лубига бир ёнлик, ҳаракатчанлик
 қозонтиради ва шеърларни зери-
 карли монотонликдан кутқаради.

Бу хусусни шоирнинг деярли бу-
 тун шеърларида кўриш мумкин.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



Бу илмдаога караганда:

1. Бутун инсонларнинг миялари ягона бир Мия холига, идроки эса ягона Идрок холига келажак (Дажжол идроки).
2. Инсон амалда ўлимсизлашажак, абадий яшажак. (Ўлимсизлик илмдаоси)
3. Инсон ҳамиша 20-30 ёшида кўрина олажак (Жаннатдагиларнинг ёши).
4. Минг йил аввал ўлган одамга ҳаёт бағишламок мумкин бўлажак (Ўликни тирилтириш илмдаоси).
5. “Бўл!” дейилганда исталган нарса дарҳол пайдо бўлажак. (Яратиш илмдаоси).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) яна шундай дейди: “Ҳеч шубҳа йўқ-ки, дажжол чикажак. Дажжолнинг ёнида жаннати ва жаҳаннами бор. Унинг жаҳаннами – жаннат, жаннати эса жаҳаннамдир.” “Кўрларни ва оғир касалларни даволайди. Ўликларни тирилтиради ва “Мен Роббингизман”, дейди. Ким унинг шу сўзларини тасдиқласа, дажжол фитнасига учрайди. Ким-ки “Роббим - Аллоҳ”, деса ва шу ҳолда ўлса, дажжолнинг фитнасига учрамайди, унга яна бир фитна ва азоб йўқ.”

Ҳа, Аллоҳ Таъоло бизга берган эзгулик ва ёмонликдан бирини танлаш ҳуқуқини охирги нафасимизгача муҳофаза қилмоқда.

“У (шайтон) сизни фақат ўзининг дўстларидан кўрқитади. Улардан кўрқманг, агар мўмин бўлсангиз, (фақат) Мендан кўрқинг.” (“Исро” сураси, 64).

СЎНГСЎЗ

«Мендан сўнгра ҳар янгилик - бидъатдир, ҳар бидъат - заллатдир»

Тиббиёт олий ўқув юртларида ўқитиладиган китобларда жуда кўп касалликларнинг сабаби аниқланмаганлиги ёзилган.

Агар касалликнинг сабаби номаълум бўлса, касалликни қандай қилиб даволаш мумкин?

Автомобил бузилса, таъмирчи олдин бузилиш сабабини аниқлаб, кейин таъмирлашга ўтади.

Касалликнинг сабабини аниқламасдан тахминан қилинадиган даволар, таркиби ва таъсирини аниқламай туриб, бериладиган синтетик дорилар беморнинг ахволини яна ҳам ёмонлаштиради.

Шундай экан, бугунги кунда шифокорлар Гиппократ қасамёдидаги “Беморга зарар бермаслик”, маъносидаги моддани бажармаяпти. Яна-да аниқроғи, бугунги кунда бу қасамёдни бажаришнинг имконияти йўқ. Чунки “Малики Ҳақнинг доираи амридан чиқиб, вужудга аралашсанг, вужудга, албатта, зарар берган бўласан” (Саид Нурсий).

Яъни, инсон Аллоҳ изн бермагани ҳолатларда, вужуд ишига аралашса, унга зарар келтиради. Фақат бугунги кунда тиббиёт дунёси ҳакамларининг Малики Ҳақнинг амрлар доирасидан ҳам, Малики Ҳақ ким эканлигидан ҳам хабари йўқ.

Аллоҳу Таоло “Бир қулимга ақл берсам, муҳаққак ҳидоят ҳам берман”, дея хабар берди. Яна ислом уламолари “табиб мусулмон, ақлли ва марҳаматли киши бўлиши керак”, дейдилар.

Ақлли инсон - масалага турли нуқтаи назарлардан қарай оладиган ва аниқ қарорга кела оладиган одамдир. Пайғамбаримиз (с.а.): “Ҳақ Таъоло хавф қаердан келаётганини биладиган, яъни ҳақ билан ботил бир-бирига ўхшаб, уларнинг фарқини билиш қийин бўлган бир пайтда, ҳақ билан ботини ажрата оладиган назарни яхши кўради”, деганлар.

Аслида, инсон соғлом бўлиши учун бошқа бир инсонга муҳтож эмас. Соғлиқни сақлашнинг йўли Куръони Каримда, ҳадисларда, буюк уламоларнинг китобларида батафсил тушинтирилган.

Замонавий технологиянинг барчаси, замонавий тиббиётда қўлланилаётган методлар ва дорилар, сув ва озуклардаги қўшимча моддалар инсон организмидаги хужайраларни зикридан айиришга, ҳатто куйфрга бошлашга хизмат қилади. (“Қўшимча моддалар”, “Рекомбинант ДНК Дорилар”, “ГМО”, “ДНКдаги ўзгаришлар” ва “Зеҳн назорати” бўлимларига қаранг.)

Инсонларга бу тузукни ким қўйганини излаб, баъзилар “Яҳудийлар”, баъзилар эса “Америкаликлар” деган хулосага келмоқдалар ва асл ҳақиқатдан узоқлашмоқдалар.

Бу бордаги ҳақиқат эса қуйидаги оятларда айтилган:

“Шубҳасиз, шайтон сизга душмандир. Шундай экан, (сиз ҳам) уни душман тутинг.” (“Фотир” сураси, 6). Иблис: “Сенга қасам-ки, уларнинг орасидаги ихлосли қулларингдан ташқари, албатта, ҳаммасини йўлдан оздираман”, деди. (Соъд сураси, 82-83). «Мен ер юзини ва гуноҳларни улар учун безатаман ва уларнинг ҳаммасини йўлдан

оздираман. («Хижр» сураси, 39)

Бу оятларнинг очик маъноларини унутиш - мусулмонлар учун энг катта тузоқдир. Мусулмонларни шайтоннинг йўқлигига ишонтириш - шайтоннинг энг катта ютуғидир.

Куръони Каримда шайтоннинг, инсонларни тўғри йўлдан адаштириш учун ҳамма нарсадан фойдаланиши ҳақида оятларига мусулмонлар беписандлик ва бепарволик билан ёндошмоқдалар! Гўё шайтон Одам алайҳиссалом замонида яшаб ўтган, гуё ўз вазифасини бажариб, йўқолиб кетган ва фақат ҳикоя ва китобларда қолиб кетгандек!...

Одамлар, асосан, касал бўлишдан, оч қолишдан ва ўлимдан кўрқадилар. Аллоҳ кўрқусини унутган инсонларнинг ҳаракатлари ўлимдан қочиш мақсадида, еб-ичишга ва даво кидиришга қаратилган.

Шайтон одамларни тўғри йўлдан оздиришни Одам алайҳиссалом давридан бери мана шу икки йўл (оч қолиш ва ўлим кўрқуси) билан амалга оширмоқда.

Бу тузуклардан қутулишининг йўли ҳам Одам алайҳиссалом замонидан бери ўзгармаган: бу йўл – Куръон ва суннат йўлидир.

Ўзгармай келаётган бу йўлнинг ён тарафларида фақат имтиҳон саҳналари ўзгариб туради.

Ҳаромдан қочган, ихлос билан Аллоҳга ибодат қиладиган ва суннатларни адо этадиган, ҳамма нарса Аллоҳдан келишига ишонадиган ва мусибатларга сабр қиладиган, дунё - имтиҳон ери, жаннат ери эмаслигини унутмаганлар, дунё бойликларини фақат эҳтиёжи қадар сарфлайдиган инсон омон қолади (иншаАллоҳ).

“У (шайтон) сизни фақат ўзининг дўстларидан кўрқитади. Улардан кўрқманг, агар мўмин бўлсангиз, (фақат) Мендан кўрқинг.” (“Исро” сураси, 64).

“Аллоҳ ёрдам берса, сизни ҳеч ким енга олмайди. Агар Аллоҳ сизни ташлаб қўйса, сизга ким ёрдам беради? Мўминлар фақат Аллоҳга таваккал қилиб, суянсинлар!” (“Оли Имрон” сураси, 160).

Ҳамма нарсани энг яхши билувчи Аллоҳ Таолодир.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолиддин Йўлдош